

## Сессиядан кейинги ўйлар

# Суғурта хизмати янги босқичда

Суғурта бозори — республика молия инфратузилмасининг муҳим тармоқларидан бири. Аниқроқ қилиб айтганда, у юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта ҳимоясини таъминловчи ва муайян миқдорда инвестиция маблағларини ўзида жамловчи тузилмадир. Суғурталаш эса фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг мулкий манфаатларини ҳар хил табиий, техник ва ҳоказо таваккалчиликлардан ҳимоя қилишни бюджетдан ташқари маблағлар билан ташкил этувчи механизм ҳисобланади. Айни шу механизм орқали бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун ноаниқ таваккалчиликлар камайтирилади, ҳар қандай шароитда тадбиркор томонидан кўрилган зарарни суғурта шартномасида белгиланган тартибда қоплаш кафолатланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суғурталашнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш ва бозор шароитида суғурта фаолиятини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Буни «Мадад» суғурта агентлиги фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу агентлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 июлдаги 292-сонли қарорига асосан, республикамиздаги хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган. Ўшандан буён бу ихтисослашган ташкилот ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариб келмоқда: кичик ва ўрта бизнес субъектларига суғуртанинг янги турлари бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Маълумки, ҳозир тижорат банкларидан кредит олиш тадбиркорлар учун асосий муаммолардан саналади. Сабаби — гаровга қўйиладиган мулк қийматининг етишмаслигида. Шу боис мазкур муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида «Мадад» агентлиги гаровга қўйиладиган мол-мулкнинг етишмаган кредит қисмини (50 фоизгача) тўлай олмаслик мажбуриятини суғурталаш бўйича хизматни йўлга қўйди. Хусусан, 2000 йилда агентлик кичик ва ўрта бизнес суъектларининг 433,9 миллион сўмлик мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлса (71,4 миллион сўм суғурта бадали), 2001 йилда бу кўрсаткич 2122,9 миллион сўмлик (105,4 миллион сўм суғурта бадали)ни ташкил этди. Ўтган йили эса гаровга қўйилган мол-мулкнинг етишмаган кредит қисмини тўлай олмаслик мажбуриятини суғурталаш миқдори қарийб 5 баравар ошиб, суғурта бадали 147,7 фоиз ўсди.

Айни чоғда тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилаётган имтиёзли кредитларни олишда енгиллик яратиш мақсадида «Мадад» суғурта агентлиги 2001 йил 1 февралдан бошлаб тадбиркорларни биринчи йил учун суғурта бадали тўлашдан озод қилди. Агентлик ва «Сорос» (АҚШ) жамғармасининг келишувига биноан, бундай бадални эндиликда жамғарма тўламоқда. Мисол учун, бултур 342 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига 33,6 миллион сўмлик суғурта бадаллари тўланди.

Тадбиркорлик фаолияти натижасида рўй берадиган ҳар хил таваккалчиликларни қисқартириш, кўрилган зарарнинг молиявий қопланишини таъминлаш ҳам тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шуни ҳисобга олиб, «Мадад» суғурта агентлиги кредитни тўлай олмаслик мажбуриятини суғурталаш шартномаларига кўра, бу йўналишда 2000 йилда 72 та кичик ва ўрта бизнес субъектига 60,9 миллион сўмлик суғурта қопламасини тўлаган эди. 2001 йилда эса у 94 нафар тадбиркорга 143,4 миллион сўмлик суғурта қопламасини тўлашда кўмаклашди. Яъни, бултур аввалги йилдагига нисбатан суғурта қопламаси миқдори 2,4 баравар (235,4 фоиз) ошди.

Кўриниб турибдики, «Мадад» суғурта агентлиги кичик ва ўрта бизнес субъектларига сўзда эмас, балки амалда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мадад бериб келаяпти.

Президентимиз шу йил 31 январда «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккан эди. Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида эса «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Агар биринчи ҳужжатда суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилган бўлса, Қонунда эса суғурта субъектлари ўртасидаги муносабатлар, суғурта турларининг бўлиниши, суғурталовчиларни рўйхатдан ўтказиш, суғурта фаолиятини лицензиялаш ва тугатиш, суғурта фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, чет эл суғурта ташкилотларининг фаолиятлари тўла акс эттирилган.

Бир сўз билан айтганда, Фармон ва Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ҳақиқий суғурта бозорининг шаклланиши ва тараққий этишида муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин.

Республикамизнинг суғурта компаниялари ана шу вазифалардан келиб чиқиб, суғурта хизматлари сифатини ошириш ва аҳолининг ишончини қозонишга ҳаракат қилмоқдалар.

**А. ТОҲИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчиси.**



# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

— Инсон ўз умрини яхшилик ва эзгуликка бағишласагина ўтган ҳаёти мазмунли кечади, — дейди қўшработлик Зиёдилло бобо Сиддиқов.

Умрининг қирқ йилини азиз болажонларимиз тарбияси ва билим олишига бағишлаган Зиёдилло Сиддиқов нафақага чиқса-да, уйда ўтиришни ўзига эп кўрмади. У Очил Қодиров номли жамоа хўжалигидан 12 гектар ер олиб, уни бугун кўз кўрса қувонадиган даражадаги боғларга айлантирди.

Яхшидан боғ қолади, деб шунга айтсалар керак-да...

***СУРАТДА:** Зиёдилло Сиддиқов.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Қашқадарёда фавқулодда вазиятлар вилоят комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимларининг қурилиш бўйича ўринбосарлари, вилоят фуқаролар муҳофазаси хизмати, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни вилоят ҳокими Б.Ҳамидов бошқарди.

Кун тартибидаги масала — сел ва кўчки хавфи бўлган тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, дарё, сой ва ариқларнинг сув ўтказиш имкониятини назорат қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш масаласи юзасидан вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи Р.Холиқовнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда аҳоли ва уларнинг мол-мулкини табиий офатлардан ҳимоя қилиш, шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги юмушларини омилкорлик билан адо этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Отаев иштирок этди.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

амалга ошириш, бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ва "Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастури" талабларини оғишмай бажариш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, мажлисда Корақалпоғистон Республикаси Пул-кредит сиёсати комиссиясининг 2002 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди. Таъкидландики, ўтган давр мобайнида ҳудудий комиссия ишида айрим камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, республиканинг Тахиатош шаҳрида ҳамда Кегейли, Шуманай, Қўнғирот, Тахтакўпир, Нукус, Беруний, Амударё туманларида нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилмаган. Мазкур шаҳар ва туманларда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва пуллик хизматлар кўрсатиш даражаси Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакат кўрсаткичларидан бир неча баравар паст.

Аҳвол шундай бўлган бир пайтда Нукус шаҳри ҳамда Амударё ва Кегейли туманлари Пул-кредит сиёсати комиссияларининг мажлисларида касса кирим режаси ва нақд пул эмиссияси кўрсаткичларини бажариш масаласи мунтазам равишда муҳокама қилиб борилмаган. Шунингдек, мазкур ҳудудларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур" ижросини таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Пул-кредит сиёсати комиссияси раисининг ўринбосари Қ.Алланазаровга комиссиянинг ҳисобот давридаги иш фаолияти қониқарсизлиги кўрсатиб ўтилди. Унинг зиммасига комиссия фаолиятини тубдан қайта қуриш, юқорида қайд этилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, айбдор раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳудудий комиссия мажлисида алоҳида кўриб чиқиш, бу борада талабчанликни янада ошириш вазифаси топширилди.

Шунингдек, мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига республикада Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йилда нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси кўрсаткичлари тўғрисида"даги қарори ижросини таъминлаш учун мунтазам равишда тегишли чора-тадбирларни кўриб бориш, хусусан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, пуллик хизматлар турларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш ҳисобига нақд пул эмиссияси даражасини кескин камайтириш тавсия этилди.

Ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари зиммасига Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан тасдиқланган "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул эмиссияси даражасини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури"нинг ҳар бир шаҳар ва туманда бажарилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўриш ҳамда ижро жараёнининг бориши тўғрисидаги масалани ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари мажлисларида мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш вазифаси топширилди.

Мажлисда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

*Миллий матбуот марказида*

# Сармоядор учун янги имкониятлар

Хабарингиз борки, мамлакатимиз Президенти республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган йиғилишида халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида экспорт товарлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг аниқ стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Кеча шу муносабат билан Миллий матбуот марказида Давлат мулки қўмитасининг 2002-2003 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Банкларни хусусийлаштириш бюроси, Жаҳон банки ваколатхонаси раҳбарлари, халқаро молиявий маслаҳатчилар, бир қатор чет эл компаниялари, мамлакатимиз ҳамда хориждаги оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур анжуманни Давлат мулки қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М. Асқаров олиб борди.

У журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берар экан, жумладан, шундай деди:

— Ҳукуматимизнинг хусусийлаштириш дастури, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида қабул қилган бир қатор қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида йирик корхоналарни хусусийлаштиришда стратегик инвесторларни танлаш юзасидан дунёнинг нуфузли халқаро молиявий маслаҳатчилари жалб этилган. Қолаверса, Корхоналарни якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш бюроси ҳам ташкил этилган бўлиб, унда бугунги кунда 9 та молиявий маслаҳатчи фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили республикамизда 743 та объект мулк шаклини ўзгартирди. Бу аввалги йилдагига нисбатан икки баробар кўпдир. Шу жумладан, 33 та объект ва корхонанинг акциялар мажмуи хорижнинг йирик компания ҳамда фирмаларига сотилди.

Жорий йилнинг 26 мартида қабул қилинган республика Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори хусусийлаштириш борасидаги ишларни чуқурлаштиришда муҳим омил бахш этмоқда. Хусусийлаштириш дастурига яна 751 та корхона киритилган бўлиб, шундан 539 тасининг активлари биржа ва биржадан ташқари савдоларда чет эл инвесторларига ҳамда хусусий мулк сифатида сотиладиган корхоналар рўйхатига киритилди. Улар орасида «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси сингари ўндан зиёд тармоқларга қарашли корхоналар мавжуд.

Бундан ташқари, хусусийлаштирилган 217 та корхонанинг давлатга тегишли бўлган улушини хорижлик сармоядорларга қўшимча равишда сотиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, зарар кўриб ишлаётган истиқболсиз корхоналарнинг мол-мулкини босқичма-босқич сотиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда давом этаётган кенг миқёсдаги хусусийлаштириш жараёни йирик миқдордаги инвестицияни жалб этиш билан бирга, мавжуд корхоналарни тўлалигича соғломлаштириш имкониятини беради.

Анжуманда Давлат мулки қўмитаси, Жаҳон банки ваколатхонаси ва бошқа қатор халқаро молиявий маслаҳатчилар журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТЎЛОВ ИНТИЗОМИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Натижада, 2002 йил 1 апрель ҳолатига кўра, мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идораларда муддати ўтган дебиторлик қарзлари пайдо бўлишига йўл қўйилмаган. Муддати ўтган кредиторлик қарзлари, муддатли умумий дебиторлик-кредиторлик қарзлари миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайтирилган.

Шунингдек, мажлисда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзбекэнерго" ва "Ўзкимёсаноат" акциядорлик компаниялари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзагромашсервис" уюшмаси, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларининг ўзаро қарзларни қисқартириш, айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши, ташқи савдо операциялари бўйича дебиторлик қарзларини ундириш, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Бундан ташқари, мажлисда айрим вазирлик ва идоралар раҳбарларининг эътибори улар тасарруфидаги хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати пастлиги, харидорлар талабига жавоб бермаслиги ва уларни сотиш бўйича етарли ишлар олиб борилмаётгани натижасида тайёр маҳсулотлар қолдиғи йил бошидаги кўрсаттичга нисбатан сезиларли миқдорда ўсганига ва бу масала юзасидан қатъий чоралар кўришига қаратилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

*Суд ислоҳоти йўлида*

# Инсонпарварлик қоидалари

Барчамизга аёнки, бугунги кунда жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларини эркинлаштириш қаторида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида жиноят қонунчилигини эркинлаштириш масаласини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига киритди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Пировардида жиноят қонунчилиги мазмунан, моҳиятан инсонпарварлик қоидалари билан тўлдирилди.

Юқорида қайд этилган Қонун кучга кирганидан сўнг, яъни ўтган беш ой мобайнида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судида одил судловни таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, иши судга юборилган, аммо қилмишлари қонун ўзгартиришларига мувофиқ жиноят деб топилмаган 41 шахснинг жиноят ишлари тугатилди. Вилоят бўйича 338 шахс суд қарорлари янги қонун ўзгартиришларига мувофиқлаштирилиши натижасида ҳибсдан озод қилинди. Қонун талабига кўра, 73 нафар озодликдан маҳрум этилган, аммо етказган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган шахснинг жазолари жарима, ахлоқ тузатиш сингари жазоларга ўзгартирилди. Бунинг натижасида содир этилган, жиноятлар оқибатида етказилган 29 миллион сўмга яқин мулкий зарар қопланди. Таъкидлаш керакки, қонун ўзгартиришларига кўра, Жиноят кодексининг етказилган мулкий зарарни ихтиёрий равишда қопланиши озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламасликка асос бўлишлиги тўғрисидаги қоидалар билан бойитилганлиги ниҳоятда оқилона ва адолатли бўлди.

Тажрибадан бизга маълумки, кўпгина шахслар қилмишларининг охир-оқибатини тўла-тўкис англаб етмасдан, жиноятга қўл урадилар. Бундайлар кейинчалик ўз қилмишларига чин дилдан пушаймон бўлиб, кечиришни сўрайдилар. Жиноят қонунчилигига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар эса айнан мана шундай қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлганларга, агар улар ўзлари етказган зарарни тўлиқ қопласалар, енгилроқ жазо тайинлаш имконини беради.

Шу ўринда эътиборни яна баъзи бир рақамларга қаратмоқчиман. Вилоятимизнинг жиноят ишлари бўйича судларида кўрилган жиноят ишлари юзасидан қонун ўзгаришлари кучга киргандан буён ўтган вақт давомида 21 миллион сўмдан ошиқ бўлган мулкий зарар судланувчилар томонидан қоплангани. Натижада Жиноят Кодексининг 167-моддасида кўрсатилган жиноятни, яъни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини содир этганлиги учун судланганларнинг 18 нафарига, 8,5 миллион сўм моддий зарар қопланганлиги учун эса Жиноят кодексининг 168-моддасида назарда тутилган жиноятни, яъни фирибгарлик жиноятини содир этиб судланган 11 нафар шахсга тайинланган жазолар озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ўзгартирилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Агар республикамиз бўйича ундирилган зарарларнинг миқдорини қўшсак борми, у бир неча юз миллион сўм атрофида бўлиши аниқ. Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг: бу кимга фойда-ю, кимга зарар? Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этиб, етказган зарарини қоплаган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлиб, жиноятга бошқа қўл урмасликка ваъда бераётган шахснинг жазосини камайтириш адолатдан бўлак бошқа нарса эмас, ахир.

Жиноят кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга биноан, жиноят содир этган вояга етмаганлар, аёллар ҳамда 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланадиган жазолар янада одиллаштирилган. Хусусан, уларга тайинланадиган жазо муддатларининг камайтирилганлиги, жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш сингари қонуний енгилликларни қўллаш имкониятларининг кўпайганлиги, хусусан жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судида 700 дан ошиқ шахсга нисбатан тайинланган жазоларнинг камайтирилганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишларга кўра, жиноий жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазоси чиқарилди. Бунинг боиси шундаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат томонидан унинг дахлсизлиги кафолатланган ҳамда жаҳондаги кўпгина демократик давлатларнинг жиноят қонунида мол-мулкни мусодара қилиш назарда тутилмаган.

Собиқ мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган мол-мулкни мусодара қилиш жазоси фақат жиноят содир этганни эмас, балки унинг оила аъзоларини ҳам руҳан ва моддий жиҳатдан камситишдан иборат эди. Эндиликда мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо сифатида қўлланилмайди. Шунинг билан бирга, жиноий йўл билан топилган мулкнинг, айбланувчи ёки судланувчига тегишли бўлган жиноят қуроли ва ашёларнинг мусодара қилинишига жиноий жазо сифатида қаралмаслиги лозим.

Янги Қонун асосан вилоят бўйича судланган 180 нафар шахсга тайинланган, шунингдек жазо чорасининг камайтирилиши муносабати билан 66 шахсга нисбатан қўлланилган мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазоси чиқариб ташланди. Шу билан бирга, вилоятдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўтаётган маҳкумларнинг жиноий қилмишларини ҳуқуқий баҳолаш масаласи жиноят қонунчилигини либераллаштириш тўғрисидаги Қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда қайта кўриб чиқилиб, ҳал этилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган янгиликлардан яна бири шуки, бу ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳисобланади. Жиноят кодексининг 66-прим-моддасига биноан, айбланувчи ёки судланувчи ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади. Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш учун тўртта шартнинг мавжудлиги, яъни, биринчидан, шахснинг жиноятни биринчи бор содир этганлиги, иккинчидан, жиноят содир қилган шахснинг ўз айбига иқрорлиги, учинчидан, жабрланувчи билан ярашилганлиги ва тўртинчидан, етказилган зарарнинг бартараф этилганлиги ҳолатларининг бўлиши талаб қилинади. Қонунга киритилган бу ўзгартиш туфайли вилоят бўйича 280 шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Жиноят кодексига киритилган қўшимчаларга жазо сифатида тайинланадиган жарима миқдорининг кўтарилганлиги ҳам киради. Қонун ўзгаришига қадар Жиноят кодексида жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 100 бараваригача бўлган бўлса, ҳозирда унинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 600 бараваригача қилиб белгиланди.

Жарима миқдорининг кўтарилганлиги, содир этилган жиноятнинг оғир-енгиллигига қараб, уни қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазоларга муқобил жазо чорасини қўллаш имкониятларини кенгайтиради. Дарҳақиқат, жиноят содир этган шахсни озодликдан маҳрум этиш ёки қамоқ жазосига ҳукм этишдан кўра, жарима жазосини қўллаш орқали ахлоқан тузатиш самаралироқдир. Бу йўл билан шахснинг оиласидан, жамиятдан, яқинларидан ва ишлаб чиқаришдан ажралмаслиги таъминланади. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида ушлаб туриш учун давлат ҳам ошиқча сарф-харажат қилмайди. Энг асосийси эса, у жамият учун хавфли саналган жиноятни ўзига касб қилиб олган шахслар билан бирга жазо ўташ оқибатида уларнинг салбий таъсирига тушиш хавфидан халос бўлади. Бу эса давлат учун ҳам, жамият учун ҳам фойдалироқдир.

**Ғайрат ҲИДОЯТОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси.**

# ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР — ЎҚУВЧИЛАРГА

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Шайхонтоҳур академик лицейида бўлиб ўтган семинар ана шу масалага бағишланди. Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташкил этган бу анжуманда "Cambridge Education Consultants" компаниясининг дарсликлар ёзиш бўйича экспертлари ҳам қатнашди.

Семинарда Кембриж таълим маслаҳатчилари ташкилоти ва Осиё Тараққиёт банки томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси" доирасида янги, замонавий дарсликлар яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Табиий, гуманитар, тил, иқтисодиёт, математика ва информатика йўналишлари бўйича маърузалар тингланди.

— Иккинчи бор ўтказган семинаримизнинг асосий мақсади, — деди Халқаро маслаҳатчилар гуруҳи раҳбари Дэвид Ройл ЎзА мухбирига, — ўқув материалларини яратиш, баҳолаш, электрон усулда тарқатиш, безаш, энг асосийси, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари учун янги қўлланмалар яратишни қўллаб-қувватлаш ва кўмак беришдан иборат.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Кичик ва ўрта бизнес — устувор йўналишимиз*

# «ҒАЛЛАБАНК» — ТАДБИРКОРЛАР МАДАДКОРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан ушбу соҳанинг юксалишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари зиммасига ҳам бир қатор муҳим ишлар юклатилган. Бу борада «Ғаллабанк» томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан 70 та тадбиркорга 226,7 миллион сўм маблағ берилди. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг инвестиция ва айланма маблағларини тўлдириш мақсадида банк ўз ресурсларидан 966,1 миллион сўм ажратди. Бу маблағларнинг асосий қисми узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган бўлиб, унинг 195,7 миллион сўми саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 204,9 миллион сўми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, 92,8 миллион сўми қурилиш ва аҳолига турли хил маиший хизматлар кўрсатишга, 113,2 миллион сўми бошқа соҳаларга йўналтирилди. Кредитларнинг 329,1 миллион сўми эса 148 та тадбиркорга микрокредит сифатида берилди.

Шу билан бирга, мазкур молиявий муассаса бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳам бу ишга жалб этиб, уларнинг маблағларини тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтираяпти. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида ана шундай тарзда 154,1 миллион сўмлик кредитлар эвазига 96 та лойиҳа молиялаштирилди.

Бу маблағлар ўз самарасини бермоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик. Андижон шаҳридаги «Мирзо Улуғбек-77» хусусий кичик корхонасига 2001 йилнинг 8 майида икки йил муддатга 3 миллион сўм кредит берилганди. Бу маблағ ҳисобига пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уч киши иш билан таъминланди. Улар ўтган даврда 7400 минг сўмлик маҳсулотни аҳолига сотиб, 3450 минг сўм соф фойда олдилар. Бир сўз билан айтганда, кредитнинг бир сўмига 1,15 сўм фойда қўлга киритилди.

Қарши шаҳридаги «Ёшлик» хусусий корхонаси ҳам аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, яъни кимёвий тозалаш ускуналари сотиб олиш мақсадида бир ярим йил муддатга имтиёзли равишда 5 миллион сўм миқдорида кредит олган эди. Ҳозир корхона тўла қувват билан фаолият юритаяпти. Шунингдек, бу ерда 25 та иш ўрни яратилган. Бухоро шаҳридаги «Макма» масъулияти чекланган жамияти эса, 2000 йилнинг 25 июлида макарон ишлаб чиқарадиган ускуна сотиб олиш учун 2 миллион 763,5 минг сўм кредитни уч йил муддатга олган эди. Ҳозир жамиятда 20 та киши меҳнат қилмоқда. Аҳолига 16316,7 минг сўмлик маҳсулот етказиб бериш эвазига 6400 минг сўм соф фойда олинди.

Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўрсатилаётган молиявий хизмат сифатини ошириш мақсадида «Ғаллабанк» жойларда мини банклар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозирги кунда 20 та шундай банк ишлаб турибди. Жорий йилда уларнинг сонини яна 13 тага кўпайтириш режалаштирилаётир.

Қисқаси, «Ғаллабанк» иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳақиқий мададкор сифатида бирталай ишларни амалга оширмоқда. Шу боис мазкур йўналишда иш юритаётганларнинг сони йил сайин кўпайиб бораяпти.

**Ўз мухбиримиз.**



# КЕЛАЖАГИМИЗ СОҒЛОМ БЎЛСИН



Сирғали туманидаги 564-санаторий-боғчада 100 нафарга яқин болажонлар тарбияланадилар. Бу масканда асосан соғлиги заифроқ, шамоллаш хасталикларидан азият чекувчи, камқонли болалар парҳез таомлари ва физиотерапия муолажалари, доривор гиёҳлардан тайёрланган дамламалар ҳамда даволовчи жисмоний тарбия ёрдамида соғломлаштирилади. Бунинг учун физиотерапия хонасида кварц, тубус, УВЧ қурилмалари ўрнатилган, уқалаш хонаси ташкил этилган. Нутқида камчилиги бор болалар учун логопед гуруҳлари мавжуд. Уларда тажрибали логопед-тарбиячи Фотима Умарова олиб борадиган машғулотлар болаларнинг нутқ камчилигини равшанлаштиришга ёрдам беради.

Руҳшунос Турсуной Алимова эса болалар билан мунтазам мулоқотда бўлиб, уларнинг мурғак кўнгилларидаги муаммоларга ечим топишга уринади. Шунингдек, мусиқа раҳбари Комила Раҳмонбердиева, тажрибали услубиятчи-тарбиячилардан Дилфуза Мирзаева, Гулчеҳра Каримовалар қизиқарли машғулотлари билан болаларнинг боғчадаги вақти мазмунли ўтишига кўмаклашадилар.



Тиббий муолажаларни олий тоифали болалар шифокори Муҳаррам Мадазимова, биринчи тоифали ҳамшира Асолат Ўрозбоева ва физиотерапия ҳамшираси Гулмира Ўрозбоевалар олиб боришади.

— Болаларнинг идрокини ўстириш, жисмонан чиниқтириш учун шашка ва таэквондо тўгараклари ташкил этганмиз, — дейди боғча мудираси Т. Хабирова. — Жажжи болакайларнинг худди катталардек жиддийлик билан шашка тахтасида дона суришларини кузатиш жуда мароқли. Иштиёқ билан таэквондо машқларини бажараётганларида эса кўриб кўзингиз қувнайди. Ҳозир болаларга чет тилларини ўргатиш устида бош қотираяпмиз. Чунки катта гуруҳларни асосан нутқида камчилиги бор болалар ташкил этгани учун ҳам, бу борада бироз муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Мана, яқинда ичига коптокчалар тўлдириб қўйиладиган қуруқ бассейн ясаттирдик. Бу бассейнда ўйнаш болажонлар учун қизиқарли машғулот бўлибгина қолмай, уларни ясситовонлик дардидан халос бўлишларида ҳам кўмаклашади. Биз келажагимиз эгалари бўлмиш болажонларимизнинг соғлом, бақувват, идрокли бўлиб ўсишлари учун баҳоли қудрат ҳаракат қиляпмиз.

**Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА.**

**Зафар ТОЖИЕВ олган суратлар.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

*2002 йил 24 май куни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари (мебелдан ташқари) билан таъминлаш мақсадида тендер савдоларини ўтказади.*

*Тендер савдоларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув-лаборатория жиҳозлари, тиббиёт ўқув ускуналари, мусиқа анжомлари, устахона ва қишлоқ хўжалик техникаларини*

*сотиб олиш бўйича тендер танлови бўлиб ўтади.*

Тендерда республикамиздаги барча маҳаллий, хусусий ва қўшма корхоналар, чет эл фирмалари ва бошқа ташкилотлар ўз жиҳозлари билан қатнашишлари мумкин. Танловда саралаб олинган жиҳозларни харид қилиш учун шартномалар тузилади.

Тендер танловида иштирок этиш учун жиҳоз намуналари эълон чиққан кундан бошлаб тендер ўтказиладиган кунгача қабул қилинади.

Тендер Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида ўтказилади.

**Тендер қатнашчиси қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

- *ташкилотнинг молиявий аҳволи ҳақида банкнинг маълумотномаси;*
- *жиҳоз сертификати ва санитария паспорти;*
- *маҳсулот нархи ва 2002 йилнинг 31 декабрига қадар етказиб бера оладиган маҳсулотлар кўрсатилган таклифлар;*
- *Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ҳ/р 20203000903761981001 УЖҚБнинг Меҳнат бўлими, МФО 00423, ИНН 202515618 ҳисоб рақамига таклиф этилаётган жиҳозларнинг умумий қийматидан 2,5 фоизи миқдорида закалат ўтказилганлиги ҳақида тўлов қоғозининг нусхаси.*

Таклифлар тендер комиссияси томонидан 2002 йилнинг 1 майидан бошлаб тендер ўтказиладиган кунгача, фақат икки қаватли (ички ва ташқи) хат жилдида, муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

Ташқи конвертга корхонанинг номи, манзили ва закалат берилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳамда банк маълумотномаси, маҳсулот сертификати ва санитария паспорти солинади.

Ички конвертда тендер таклифи, маҳсулотнинг номи ва унга қўйилган нархи, таклифларни қабул қилиш учун белгиланган сана бўлади.

Тендерга 2001 йилнинг 15 ноябридан кейин ташкил этилган ташкилотлар қўйилмайди. Шу сабабдан тендер қатнашчилари керакли органлар томонидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномани ҳам тақдим этадилар.

**Жиҳозлар намуналари Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Сирғали политехника касб-ҳунар коллежининг кўргазмалар залида қабул қилинади.**
**Манзил: Прикарпат кўчаси, 44-уй, телефон: 57-71-73.**
**Маълумот учун телефонлар: 139-12-60, 139-12-61, 139-19-69, факс: 139-16-48.**
**Манзил: 700078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.**



Дала юмушлари

# Яганалаш ниҳоясига етди

Олтинкўл тумани хўжаликларида яна бир муҳим агротехника тадбири — ғўзани яганалаш тугалланди. Мавжуд 6544 майдонда тўла гектарлар яратилди.

— Ерларимизни ўтган йилнинг кузида шудгорлаб, пушта олиб қўйганимиз ғоят қўл келди, — дейди «Намуна» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси Асалхон Расулова. — Баҳорнинг биринчи ҳафтасидаёқ ерга уруғ ташлаган бўлсак, куни кеча ғўзани яганалашни вилоятда биринчилардан бўлиб бажардик.

Халқимизда «Баҳорнинг бир куни йилга татийди», деган гап бор. Ана шу нақлнинг қанчалар ҳаётийлигини андижонлик деҳқонларнинг қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, пахтачиликда эришаётган ютуқлари исботлаб турибди. Хусусан, «Намуна» ширкат хўжалигининг меҳнат аҳли бултур йиллик маррани Ватанимиз мустақиллигининг муборак ўн йиллиги арафасида уддалаб, якунда ҳар гектар ердан 46,6 центнердан ҳосил йиғиштириб олган эди. Бу йил улар олтмиш центнерлик хирмон яратиш ташаббуси билан чиқдилар.

Айни кунларда туманнинг барча хўжаликларида ғўза қатор ораларига оби-тобида ишлов берилмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

*«Энг моҳир кутубхоначи»*

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**Танлов уч босқичда ўтказилади:**

*I. Вилоят олий таълим муассасалари ўртасида (тегишли вилоят университетлари базасида) 6-11 май.*

*II. Вилоят танловлари ғолиблари иштирокида республика танлови (Ўзбекистон Миллий университети базасида) 17 май.*

*III. Республикадаги барча тизим ва соҳалар кутубхоналари ходимлари танловлари ғолиблари иштирокида республика танлови (республика «Маънавият ва маърифат» маркази ўтказади) июнь ойида ўтказилади.*



Иштирокчиларнинг ёши 20-30, маълумоти ўрта махсус ёки олий, кутубхонадаги иш стажи 3 йилдан кам бўлмаслиги, давлат тилини билиши, компьютерда ишлаш маҳоратига, китобнинг жамиятдаги ўрни, китобшунослик ва кутубхонашунослик соҳасида зарурий билимга эга бўлиши, мамлакатдаги ва дунёдаги ижтимоий ва сиёсий воқеаларга ўз муносабатини билдира олиши керак.

**Кўрик-танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар белгиланган:**

*I-ўринга «Pentium-3» компьютери, принтер, сканер ва 30 минг сўм.*
*II-ўринга «Pentium-3» компьютери, принтер ва 30 минг сўм.*
*III-ўринга «Pentium-3» компьютери, ва 30 минг сўм.*

Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, «Пахтакор» кўчаси, 3-уй, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти. Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали: 144-01-11, 41-80-07 ҳамда вилоятлар университетларига мурожаат қилиш мумкин.

*«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида*



***Агар бирор ишдан кўнглингиз тўлмаса ёки кимларнингдир айби билан озор чексангиз, масъулиятсиз ходимларнинг айби туфайли маҳалладошларингиз ташвишда қолса, нима қиласиз? Албатта, унинг чорасини қидирасиз, тегишли жойларга мурожаат этасиз...***

***Таҳририятимизга кўплаб мактублар келади. Улар турли мавзуларда битилган: кимдир ўз воҳа-гўшасидаги янгиликлар, эришилган ютуқлардан хабар қилса, бошқаси ижод намуналаридан юборади. Айримлар муаммоларининг ечимини топишда ёрдам сўраб мурожаат қилишади.***

# Ечимсиз муаммо йўқ

Шаҳрисабз шаҳридаги "Ипак йўли" маҳалласининг 106, 110, 112-кўп қаватли уйларида яшовчи фуқаролардан шикоят хатида уйлардаги қувурларнинг яроқсиз аҳволга келиб қолганлиги, оқибатда муаммолар пайдо бўлганлиги ёзилганди. Ёдингизда бўлса, ушбу хат газетанинг 2001 йил 13 июль сонида "Меҳмон чақиришга уяламиз" сарлавҳаси остида чоп этилганди ҳам.

—"Меҳмон чақиришга уяламиз" мақоласи атрофлича ўрганиб чиқилди, — дейилади Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш.Ражабовдан олинган жавобда. — Муаммоларнинг келиб чиқишига асосан "Фирдавс" уй-жой мулкдорлари ширкатининг фаолияти ниҳоятда сустлиги сабаб бўлган. Иш унумдорлиги пасайиб кетганлиги боис жамоа тугатилди. Йўл қўйилган камчиликлар "Турон" уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан бартараф этилди. Уйларнинг ички ва ташқи қувурлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, тозалаш ва ободонлаштириш учун масъул шахслар тайинланди. Уларнинг фаолияти доимий назоратга олинди".

Шунингдек, Қибрай туманидан муштарий Х.Норматова ҳамда Ғузор туманидан Ш.Абдуллаевнинг шикоят хатлари ҳам газетада босилганидан кейин жойларда юзага келган муаммолар ечимини топди.

Савол туғилади: туман миқёсида ҳал этса бўладиган юмушларни маҳаллий бошқарув идораларининг ёрдами билан жойларда ўринлатишнинг имконияти йўқми? Бунинг учун республика идоралари, матбуотнинг аралашуви шартми?

Жавоб тайин: қаерда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, меҳнати қадрланмаса, устига устак, унинг дардини ҳеч ким тингламаса, ўша ерда маҳаллий ҳокимиятга ишонч сусаяди. Одамлар арз-додини юқори ташкилотларга етказишга интилади.

Шаҳрихонлик Маъмур Кенжабоевни мураббийлар маоши вақтида берилмаётгани ҳақида "Халқ сўзи"га мурожаат этишга нима мажбур қилди? Албатта, кимнингдир лоқайдлиги, бепарволиги. Банкда етарли маблағ бўлсада, 42-мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши тарқатилмаса. Туман, вилоят халқ таълими идоралари нега бундай ҳолларга томошабин бўлиб турибди?

Таҳририят аралашгач, Андижон вилояти халқ таълими бошқармасидагилар ушбу масала билан шуғулланиб, у ижобий ҳал қилинибди. Бу хусусда бошқарма бошлиғи Т.Мирзаев хабар қилди.

Ҳа, мактуб — кўнгил ойнаси. Унинг ортида одам борлигини яхши биламиз. Аммо айрим "муаллиф"сиз номалар кишини ажаблантиради. Чиноз туманига қарашли марказий шифохона ходимлари Азимбек Исоқов, Бахтиёр Деҳқонов, Турсуной Муталова, Аброр ҳамда Абдураим Исломовлардан келган мактубни олайлик. Унда шифохонада турли қонунбузарликлар учраётгани айтилганди. Ҳатто ўнта "факт" ҳам келтириб ўтилганди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Д.Асадовнинг таъкидлашича, шикоят хатида номи битилган кишилар билан учрашилганда, имзолар қалбаки эканлиги аниқланган.

Ёки Иштихон тумани, "Уч қаҳрамон" ширкат хўжалигида яшовчи Бурҳон Ниятов номидан битилган хатни кўздан кечирайлик. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Мансуровнинг билдиришича, ушбу аризанинг айнан ўзи республикадаги бир қанча идоралар, маъмурий органларга ҳам юборилган.

Б.Ниятов эса гўё бундан «бехабар»...

Биргина 2001 йилда "Халқ сўзи"га ўн мингдан зиёд турли мавзуларда мактублар келди. Шундан 750 га яқини шикоят хатларидир. Уларнинг 640 таси мутасадди ташкилотларга текшириш ва чора-тадбир белгилаш учун юборилди. Бир қатор хатлар асосида журналист суриштирувлари ўтказилиб, газета саҳифаларида чоп этилди. Бошқа турли жанрларда битилганларининг кўпчилиги оммага ҳавола қилинди. Бундан ташқари, миннатдорчилик билдирилганлари ҳам кўп.

Дарҳақиқат, "Аввал ўйла, кейин сўйла", деган нақлни шикоят хати муаллифларига эслатиб ўтишни лозим топдик. Боиси — ҳар нарса ўз жойида ҳал бўлгани маъқул. Бу юмушни бажариш катта-кичик мутасаддиларнинг зиммасида. Улар эса мамлакатимизда инсон манфаати энг олдинги ўринда туришини, унинг шаъни доимо улуғланишини ҳар лаҳзада ҳис этиб туришлари даркор.

Энди имзосиз хат ёзувчиларга айтадиган гапимиз шуки, юракда борини очиқ-ойдин билдирган, ёзганларини имзо билан тасдиқлаган яхши. Негаки, демократик фуқаролик жамияти сари интиляпмиз. Қаердаки ҳақиқат эгилса, уни тўғрилашга ҳаққимиз ҳам, имкониятимиз ҳам бор...

**Музаффар НОРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«ELSUN-FARMBUYUM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ АЛЮМИН БУРАМА
ҚАЛПОҚЧАЛАРНИ
D28, H18; D20, H15 ЎЛЧАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.
Товар сертификатлаштирилган (SSUZ 01 SO 296049). Жаҳон стандартларига жавоб беради.
*Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.*
Тел./факс: (998-71) 161-10-34, 161-11-09.
Тел.: (998-71) 188-12-71, 188-12-70, 187-28-76, 144-60-74.

«Ўзбек-Лада» автосалонида 15 апрелдан «Матиз» автомобили ютуғи ўйинида иштирок этадиган 250 та автомобилларни сотиш бошланди.

«Ўзбек-Лада» автосалонидан «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилган ҳар қандай автомобилни харид қилиб, совғага «Матиз» автомобили ютуғи соҳиби бўлишингиз мумкин. Ютуқнинг бахтли эгаси бўлишни истасангиз, шошилинг!







Ўйин шартлари:

- *ўйинда 2002 йил 15 апрелдан «Ўзбек-Лада» автосалонида харид қилинган дастлабки 250 автомобиль иштирок этади;*
- *ютуқ соҳиби сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижаларига кўра аниқланади;*
- *автомобиль сотиб олган ҳар бир харидор ўйин иштирокчилари рўйхатига киритилади;*
- *«Матиз» автомобили ўйинида иштирок этадиган автомобилларнинг кузов рақамлари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этилади.*

Маълумот учун телефонлар: 120-77-44, 120-77-46, 173-26-23.
Бизнинг Интернетдаги сайтимиз www.uzbeklada.uz

# ТЎЙ ТАДОРИГИ БОШЛАНДИ

Шу йилнинг 29 мартида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида" қарор қабул қилган эди. Унда юбилей 2002 йилнинг ноябрь ойида, ЮНЕСКО иштирокида юксак ташкилий савияда ўтказилиши таъкидланади. Шунингдек, қарорда шаҳарни янада ободонлаштириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳам назарда тутилган. Юбилей муносабати билан тарихий обидаларни таъмирлаш учун 800 миллион сўмлик маблағ ажратилиши айтиб ўтилган.

Айни кунларда Шаҳрисабзда шаҳарнинг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Тарихий обидаларни қайта таъмирлаш учун мамлакатимизнинг турли бурчакларидан усталар келмоқда.

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш ҳукумат қарори ижросига бағишланди. Шаҳрисабз юбилейига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланди. Бу борадаги юмушларни ўз вақтида ва юқори савияда бажариш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# НОЁБ ТОПИЛМА

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармасинининг Хоразм вилояти бўлими Урганчдаги музейининг "Қадимги тарих" бўлими экспозицияси яна бир ноёб топилма билан бойиди. Марказий ўриндан жой олган сопол кўза парчаси бир қарашда аҳамиятсиздек туюлади. Бироқ, мутахассислар фикрича, ушбу кўза мамлакатимизнинг кўп минг йиллик тарихи ва маданиятидан дарак беради.

— Бу кўза Ҳазорасп туманида олиб борилган археологик қазилма ишлари пайтида топилди, — дейди "Олтин мерос" жамғармаси вилоят бўлимининг раиси К.Нуржонов. — Сариқ-қизил рангли сопол парчаси Ҳазорасп ва Елхарос, Капарас ва Хумбузтепа каби Хоразмнинг бошқа қадимий шаҳарларида топилган сопол буюмларга ўхшаб кетади.

Кўзанинг сақланиб қолган қисмидаги сирли ёзувлар мутахассислар эътиборини ўзига тортди. Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Ф.Иброҳимованинг фикрига кўра, ушбу ёзувлар эрамиздан тўрт минг йил аввал Мессопотамияда яшаган қадимги миххат халқи ёзувларини эслатади. Миххатлар Марказий Осиёнинг баъзи бир қадимий халқлари, хусусан, хоразмликлар ёзувининг пайдо бўлишига катта таъсир кўрсатган.

Ноёб топилма батафсил илмий экспертиза ва ўрганишни талаб этади. Лекин ҳозирдаёқ ушбу топилма қадимги Хоразмнинг Миср, Ироқ ва Эрон маданиятига яқинлиги ҳамда улар билан алоқаларидан гувоҳлик бериши мумкин.

**Т.ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**



**Фарзандлари баркамол юрт қудратли бўлур**

**Самарқанддаги Болалар жарроҳлиги илмий марказининг ташкил топганига ўн беш йил тўлаяпти. Ана шу даврда юз мингга яқин дардмандлар дардига шифо топди бу масканда. Профессор Азамат Шамсиев раҳбарлигидаги шифокорлар не-не мураккаб жарроҳлик операцияларига қўл уришди шу йилларда. Ҳар бир беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун соатлаб оёқда туриш, ўлим ёқасидаги инсонга қайта ҳаёт бахш этиш учун курашиш оқ халат посбонларини янада изланишга, тажрибаю маҳоратларини тағин-да оширишга ундади.**

# Профессор Шамсиев клиникаси

Кечагина оғир аҳволда келтирилган беморнинг орадан кўп ўтмай бутунлай соғайиб кетиши, ҳаётга миннатдорлик туйғулари билан боқиши бу ердаги шифокорларнинг ҳаракатларида, меҳнатларида англаб бўлмас мўъжиза мужассамлигини ифодалар эди. Юрак, кўкрак қафаси, буйрак, жигар каби инсоннинг нозик аъзоларига тиғ уриш, улардаги асоратларни бутунлай йўқотишнинг ўзи айнан мўъжиза эмасми?

Илмий марказга қўшни вилоятлар — Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Навоийдан шифо истаб келаётганлар қанча. Дардмандлар суҳбатидан бу ердаги шифокорларнинг аъло даражада хизмат қилаётганини англайсан. Яна бир аҳамиятлиси, шифохонага ҳеч ким дори-дармон кўтариб келмайди. Чойшаб, ёстиқ ёки бошқа керакли жиҳозлар учун қайғурмайди. Ҳаммаси шу ернинг ўзида муҳайё. Етти қаватли бинонинг ҳар қаватида беморлар учун ошхона ташкил этилган. Ҳар бир хонада тозалик, озодалик, шифокорнинг ҳам, ҳамширанинг ҳам қалбида ҳамиша илиқлик, дардмандларга нисбатан меҳр туйғуси баланд.

Бирор-бир тиббиёт ходими таъмагирлик қилишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди, бемордан дори-дармон, оддий бинт келтиришни талаб қилмайди. Агар бундай ҳолга йўл қўйиладиган бўлса, айбдор ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ишдан ҳайдалади. Бу ҳақда илмий марказ раҳбарининг махсус буйруғи ҳам чиқарилган.

— Шифохонамизда, — дейди профессор Азамат Шамсиев, — туғма юрак пороги хасталикларини ҳам ёпиқ усулда операция йўли билан даволашни йўлга қўйганмиз. Вилоятимиз тарихида бунга илмий марказимизда биринчи бўлиб қўл урилди. Қувончлиси, бу турдаги барча операциялар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бу ердаги янгиликка интилиш, изланишларни илмий марказнинг ҳар йили Бутунроссия илмий анжуманида қатнашаётганидан ҳам англаш мумкин.

Узоққа бормайлик. 2000 йилда Смоленскда ўтказилган шундай анжуманда Азамат Шамсиевнинг шогирдлари — Самарқанд тиббиёт олийгоҳининг юқори курс талабалари 5 та ғолиблик дипломини қўлга киритишди. Жарроҳлик маркази қошидаги талабалар илмий жамияти эса биринчи даражали диплом ва олтин медалга сазовор бўлишди. Бу анжуманнинг нуфузини Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон сингари давлатлардаги 63 та тиббиёт олийгоҳидан юздан зиёд маърузачи, машҳур академикларнинг иштирок этганлигидан ҳам англаш мумкин.

Ўтган йили эса самарқандлик талабалар Россиянинг Самара шаҳридан яна қувонч билан қайтишди. «Болалар жарроҳлиги ва анестезиология-реаниматологиясининг долзарб муаммолари» мавзуидаги Бутунроссия илмий анжуманида битта биринчи, иккита иккинчи ва учинчи даражали дипломлар қўлга киритилди. Марказ қошидаги талабалар илмий жамияти яна аввалги йилдаги муваффақиятни такрорлади: биринчи ўрин — олтин медаль ва биринчи даражали дипломга лойиқ деб топилди.

Марказда болалар саломатлигини тиклаш борасида тиббиёт фанининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилаяпти. Даволаш жараёнида ишлатиладиган ускуналарнинг барчаси замонавий. Улар Германия, Япония ва Швейцарияда яратилган замонавий ташҳис асбоб-ускуналаридир. Лазер терапияси ускунаси, озонатерапия усули самараси янада катта бўлаяпти.

Бу марказ ҳозирча республикада ягона. Шу боис мамлакатимизнинг бир қатор вилоятларидан болалар жарроҳлиги соҳасидаги энг янги илмий изланишлардан хабардор бўлиш, малака ошириш мақсадида мутахассислар келишаяпти. Улар учун махсус курс ҳам ташкил этилган.

Бугун самарқандликлар Болалар жарроҳлиги илмий марказини «Профессор Шамсиев клиникаси» деб аташга одатланишган. Ва клиникада профессор ва унинг жамоаси бирорта беморнинг тақдирига бефарқ қарамаслиги, улар қўлидаги дардмандлар, албатта, дардларига даво топишларига ишонишади. Бу ишонч эса марказ шифокорлари зиммасига доимий равишда юксак масъулият юклайди.



**Эсиргап БОЛИЕВ,**
**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Луғат-қўлланма

Яқинда «SAN'AT» журнали нашриётида «Тасвирий ва амалий санъат атамаларининг изоҳли луғати» номли рисола чоп этилди. Муаллиф Бинафша Нодир — Камолиддин Беҳзод номли рассомчилик ва дизайн институтининг охирги курс талабаси. Институтда таҳсил олиш билан бир қаторда, республика ва халқаро либос танловларида, Наврўз тантаналарида либослар




тўплами билан иштирок этган. Фарғона вилоят театр спектаклларига либос эскизлари ишлаб берган.

Ушбу рисола мактаб ўқувчилари, тасвирий ва амалий санъат лицейлари, рассомлик ва нафис санъат коллежлари, билим юртлари, санъат сирларини ўрганувчи институт талабалари, санъатшунослар ва шу соҳага қизиқувчи барча мутахассислар ҳамда ихлосмандларга мўлжалланган.

Ушбу рисола Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг илмий кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, нашрга тавсия этилган.

**Бахтиёр БОЙМИРЗАЕВ,**
**Тошкент давлат техника университети аспиранти.**

**Қизиққанга кенг дунё!**

# СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР...

Ўзаро мулоқот чоғида «Гап кўп, кўмир оз» деган нақлни тез-тез ишлатамиз. Уни ҳар ким ҳар хил шарҳлайди. Келиб чиқишини баъзи кишилар узоқ ўтмишга боғлайди. «Ўша кезлари дўсту биродарлар узун қиш кечаларида сандал атрофида ўтириб гурунглашганлар. Гоҳида суҳбат ҳаддан зиёд чўзилиб кетиб, танчадаги чўғ сўниб қолган. Шунда одамлар бирбирларига бояги мазмунда гап отишиб, уй-уйларига тарқалишган», дейишади. Бошқалар «Бу мақол гапининг маъноси кам, сўзининг таъсири йўқ кишиларга нисбатан ишлатилган» қабилидаги фаразни олға суришади. «Маънолар махзани» китоби муаллифлари Шотурсун Шомақсудов ва Шуҳрат Шораҳмедов эса, у аслида «Гап кўп-ку, умр оз» шаклида бўлганлиги эҳтимолдан холи эмаслигини таъкидлашади. Нуктадон шоиримиз Эркин Воҳидов ҳам шунга ҳамоҳанг фикр билдиради. «Менимча, жумладаги **-ку** юкламаси **умр** сўзи билан қўшилиб, **кўмир** шаклини олган. Оқибатда шундай чуқур маъноли мақол анча жўнлашиб қолган», дея афсусланади.

«Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор» деганлари бежиз эмас, албатта.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

## САВОЛ БИЗДАН...

**Ўзбекистонда дубляж қилинган илк фильм қайси ва бу иш қачон амалга оширилган?**

**Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:**

*Медиация — халқаро ҳуқуқ талабларига асосан халқаро низоларни ҳал этишда учинчи томон бўлиб қатнашадиган давлат.*

Бу ҳақда тошкентлик Васила Давлатова хабар йўллаган.


Шошилинг!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси



қойилмақом ютуқ — БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

7 мартдан бошлаб ўйинга қўйилган 2500 автомобиль сотила бошлади!

Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.



*Ўйин шартлари:*

- *ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;*
- *автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларидан сотиб олинган бўлиши шарт;*
- *ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;*
- *ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.*

Маълумот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исм ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Қишлоқ ҳаёти» ва «Ўзбекистон овози» газеталарида чоп этилади!
Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

5491/891



РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

2002 йил учун қуйидаги ихтисослар бўйича аспирантуранинг кундузги бўлимига ҳужжатлар қабул қилади:

13:00:01 — Педагогика назарияси ва тарихи.

19:00:05 — Ижтимоий психология; этнопсихология.

Ҳужжатлар 2002 йил 15 майгача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

700027, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй, республика «Оила» илмий-амалий маркази.
Мурожаат учун телефонлар: 45-15-59, 45-18-68.

5514/710



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

(«Олмазор» кўчаси, 171-уй)

иморатини реконструкция қилишга

тендер эълон қилади.

► Маълумот учун телефонлар: 139-16-12, 132-63-04.

5659/793



Реклама ва эълонлар 136-09-25



Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

қуйидаги иншоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади:

1. *Гурлан туманидаги «Гурлан-вазир» ширкат хўжалигида юқори босимли газ қувурларини қайта қуриш. Ишларни якунлаш муддати — 2 ой.*
2. *Хонқа туманидаги Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигида юқори ва ўрта босимли газ қувурларини қайта қуриш. Ишларни якунлаш муддати — 3 ой.*

Буюртмачи: **Урганч шаҳри, Оролбўйи ягона дирекцияси.**

3. *Урганч ва Хонқа туманларида Митянов номли коллекторни қайта таъмирлаш. Ишларни якунлаш муддати — 17 ой.*
4. *Янгиариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 322 гектар суғориладиган ерни тиклаш. Ишларни якунлаш муддати — 13 ой.*
5. *Хива туманидаги «Полвон» (ишларни якунлаш муддати — 4 ой), Урганч туманидаги «Тўғайобод» (ишларни якунлаш муддати — 4 ой), Гурлан туманидаги «Тўқсонарпа» ва «Қоракўз» (ишларни якунлаш муддати — 7 ой) каналларини тўйинтирувчи каналлар ва насос станцияларини қуриш.*

Буюртмачи: **Урганч шаҳри, 21-сонли қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси.**

*Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг Хоразм вилоят филиалига қуйидаги манзил бўйича:*

Урганч шаҳри, А.Баҳодирхон кўчаси, 178-уй («Хоразмирқурилиш» биноси), тел.: 226-92-25, факс: 224-28-41 мурожаат қилиш мумкин.

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Урганч шаҳри, А.Баҳодирхон кўчаси, 178-уй («Хоразмирқурилиш» биноси).**

5618/708


Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси А. Навоий номидаги Давлат академик катта театри дирижёри, Ўзбекистон халқ артисти **Абдуғани АБДУҚАЮМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси Бухоро вилоят филиалининг директори Хайриддин Жўраевга отаси **Ҳамид ота ЖЎРАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Автоустоз» Тошкент автомобиль ўқув ишлаб чиқариш комбинати маъмурияти собиқ директор **Расул ДЎСТМУҲАМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси энтомология ва ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш кафедраси доценти **Ҳукумат МИРЗАЛИЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 376. 34017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Норматов.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *топширилди: 22.30* 1 2 3 4 5 6